

# **ЎЗБЕКИСТОН ПАЛЕОЛИТИНИНГ МУСТАКИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎРГАНИЛИШИ**

**Боқиев Шерхон Убайдулло ўғли**

(Шароф Рашидов номидаги Самарканд давлат университети  
Тарих факултети талабаси)

**Асламов Азизжон Алишер ўғли**

(Шароф Рашидов номидаги Самарканд давлат университети  
Тарих факултети талабаси)

**Мирзаёров Шахзод Отабек ўғли**

(Шароф Рашидов номидаги Самарканд давлат университети  
Тарих факултети талабаси)

**Аннотация:** Ўзбекистон палеолитининг мустакиллик йилларида ўрганилиш тархи. Бунда Зарафшон воҳаси, Жиззах воҳаси, Ўзбекистоннинг шимоли-шаркий худудлари, Фаргона водийсида олиб борилган тадқикотлар хакида маълумот беради. Мустакиллик йилларида қадимги тош даврини ўрганиш бўйича маҳаллий экспедициялар ҳам фаолият олиб борди ва қатор янги ёдгорликларни очиб ўрганди. Зарафшон воҳаси худуди ҳам палеолит даври ёдгорликларига бой ўлкалардан хисобланади.

**Калит сузлар:** Жом, Сазағон, Қарнаб палеолити, Чашма, Фориш, 1441 метр Янгиобод 1, Кулбулоқ, Дукентсой, Қосимов М.Р., Гўрдара, 5000 дан зиёд тош куроллар, Жонобод, Сарикўғон, Чодак, Анарабайев А.А, Саидов М.М, Эргашов О.Т, Ўзбек-Франсуз экспедицияси.

Зарафшон воҳаси палеолити ўзининг археологияси билан ажralиб туради. Жом тумани Самарқанд вилоятининг энг жанубий чеккасида жойлашган. 2000-йиллардан бошлаб Жомлик ўлкашунос А.Ёрқулов томонидан ҳудуднинг сойларида қидирув ишлари олиб борилмоқда. Жомдан йигилган тош буюмлардан бири оч жигарранг кремнийдан ишланган баргсимон тиф бўлиб, у асиметрик шаклда ва бифасиал йўнишлар ёрдамида ишлов берилган.

Куролнинг қирралари зигзагсимон. Бундай бифасиал ишланган тифлар Калтамиор маданиятининг иккинчи ярмига оид ёдгорликларида учрайди (Холматов Н.Ў. Ўзбекистон неолит даври жамоаларининг моддий маданияти. Т.: «Фан», 2008. –Б.–154). 2012 йилнинг ёзида ЎзРФА Археология институтининг археологик гуруҳи Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани

худудида қидирув ишларини олиб борди. Пахтачининг чека худудларидан бири бўлган Қарнаб қишлоғига кетищдаги йўлнинг ўнг томонида жойлашган Чашма номли қадимги булоқ бор. Ушбу булоқнинг атрофи қадимда ибтидоий одамлар яшаси учун қулай жой бўлган. Чашма топилмажой иниң материяллари ўрта палеолитга оид Кўтирубулоқ манзилгоҳи комплексларига ўхшашибир. 2005 йилда Ўзбек-Француз экспедицияси Булунғур канали бўйида қадимги ёдгорликларни қидирув ишларини олиб борди. Тошга ишлов бериш технологияларини ўрганган йирик олим Ж.Тиксиер елкали пичоқларнинг қатор турларини аниқлаган (Tixier (J.). Standardization of terms in prehistory. Current anthropology, 1, n 4, 1960 –P.325)

Самарқанд вилояти қадимги тош даври маданиятлари қўшни Жиззах худудларига ҳам тарқалганлиги хақида гапириш мумкин. 2000 йилда Жиззах вилояти, Фориш тумани, Чимқўғон қишлоғи худудидаги қум каръерларида қидирув ишларини олиб борилиши натижасида, қайроқтош учиринидан ишланган тош ўзак топилган. 2013 йилнинг баҳорида ЎзРФА Археология институти ва СамДУ Археология кафедрасининг палеолитчилар гуруҳи Жиззах вилоятининг Фориш тумани худудларида қидирув ишларини олиб зборди ва бу ердан бир қатор янги ёдгорликлар топиб ўрганилди (Сайфуллаев Б. Қ., Эргашев О. Т., Рахимов К. А., Ражабов А. Ю., Аллаёрөв Ў, Пардаев Ш. М. Жиззах воҳасининг палеолит даври // Ўзбекистонда Археологик тадқикотлар. Самарқанд. 2014. – Б. 16). Гўрдара Фориш туманидаги Бирлашган қишлоғининг шимолий чеккасида жойлашган Нурота тоғ тизмаларига

қарашли Гўрдаранинг юқори қисмида, ҳозирда синиб тушган харсанг айвоннинг тагида олиб борилган қазиш ишлари натижасида учта

тош буюм топилди. Қазиш ишлари  $1 \times 1$  м майдонда олиб борилди. Янгиобод-1 топилма жойидан йигилган тош буюмлар орасида пичноқсимон пластиналар чақмоқлаб олишга мўлжалланган нуклеуслар ва уларга мос келадиган йўнилғилар ҳамда бир дона кичик ҳажмли бифас аниқланди. Тўплам нуклеусларидан биридан пичноқсимон шаклли пластиналар синдириб олинган. Янгиобод-1 топилма жойи материалларига аналогия сифатида Оҳангарон водийсидаги Кўлбулоқ топилмажойининг юқори қатламлари ҳамда Фарғона водийсидаги Қопчиғай устахонаси сўнгги палеолитга оид комплекси тош буюмларини келтириш мумкин. Негаки, тилга олинган ҳар иккала комплексларда ҳам кам сонли майда бифаслар учрайди.( Касымов М. Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты Средней Азии. Ташкент.

Изд-во «Фан», 1972. – С. 133. Таблица 1. Рис. 1, 2; Сайфуллаев Б. К., Хушвактов Н. О., Курбонбоев И.М. О позднем палеолите Узбекистана (по материалам верхних (I–III) слоев Кульбулака) // ИМКУ №36. Ташкент. 2009. – С. 29–34). Фарғона водийси худудлари ибтидоий даврларданоқ одам яшashi ҳамда тараққий қилиши учун жуда қулай палеоэкологик шарт-шароитларига эга бўлган Чашма каби илк палеолит даврига оид маконлар топиб ўрганилган. Улардан Селунғур ёдгорлиги оламшумул аҳамиятга молик маълумотларни берган Селунғурнинг 8 та маданий қатламларидан 5000 дан зиёд тош буюмлар аниқланиб, улар Осиёча ашел маданиятига ажратилган. Маконнинг маданий қатламлари 1,5 миллион йиллар билан саналangan ва макон. Марказий Осиё худудларида ҳозирда маълум бўлган энг қадимги ёдгорликдир. 2011 йилда Республикаиз Биринчи Президенти И. Каримовнинг “Қўқон шаҳри инфраструктурасини қайта яратиш” тўғрисидаги фармонига асосан Қўқон ва унинг атрофида археологик тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар бир неча йўналишда амалга оширилиб, улар қаторида ушбу худудларнинг тош даврини ўрганиш бўйича ҳам гурух тузилди. Натижада, худуддан қадимги тош даврига оид қатор янги топилмажойлар аниқланди(Анарбаев А. А., Сайфуллаев Б. К., Саидов М. М. Археологические исследования в Коканде и его окрестностях. Ташкент, 2014, с. 1–88). Жонобод технокомплексининг тош буюмлари сўнгги палеолит даврининг илк босқичларини характерлайди. Жонобод нафакат Қўқон атрофидан, балки бутун Фарғона вилояти худудларидан топилган дастлабки сўнгги палеолит даври ёдгорлигидир. Сариқўғон номи билан машҳур классик давр ёдгорлиги Сўх дарёсининг ўнг кирғоғида мавжуд. Бу жойдан йиғиб олинган тош буюмлар орасида икки зарб майдонли тош ўзаги ҳам бўлиб, ундан калта ва баъзида узун пропорцияли учириндилар чақмоқлаб олинган(Анарбаев А. А., Сайфуллаев Б. К., Саидов М. М. Археологические исследования в Коканде и его окрестностях. Ташкент, 2014. – С. 68–83). 2011 йилда Қўқон палеолитчилар гуруҳи Наманган вилояти, Поп туманига қарашли тоғли Чодак қишлоғида ҳам қидирув ишларини олиб борди. Бу ердаги Қаттиққўлотасой дарасининг энг охирида жойлашган Тумозорбулоқнинг атрофида қазиш ишлари ўтказилди. Ушбу булоқнинг атрофида  $50 \times 20$  м текис тупроқли майдон бўлиб, унинг катта қисми чорва моллари экстрактлари билан қопланган(Анарбаев А. А., Сайфуллаев Б. К., Саидов М. М. Археологические исследования в Коканде и его окрестностях. Ташкент, 2014. – С. 592 Анарбаев А. А., Сайфуллаев Б. К., Саидов М. М.).

## **Фойдаланилган Адабиётлар рўйхати**

1. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда палеолит даврининг ўрганилиши Жўрақулова Дилфузা Мавлоновна. – Т: ЎзРФА «Фан» нашриёти давлат
2. корхонаси, 2019. 240 б.
3. Холматов Н.Ў. Ўзбекистон неолит даври жамоаларининг моддий маданияти. Т.:«Фан», 2008. –Б. – 154

4. Tixier (J.). Standardization of terms in prehistory. Current anthropology, 1, n 4, 1960 –P.325
5. Сайфуллаев Б. Қ., Эргашев О. Т., Рахимов К. А., Ражабов А. Ю., Аллаёров Ў, Пардаев Ш. М. Жиззах воҳасининг палеолит даври \\ Ўзбекистонда Археологик тадқиқотлар. Самарқанд. 2014. – Б. 16
6. Касымов М. Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты Средней Азии. Ташкент.Изд-во «Фан», 1972. – С. 133. Таблица 1. Рис. 1, 2; Сайфуллаев Б. К., Хушвактов Н. О., Курбонбоев И.М. О позднем палеолите Узбекистана (по материалам верхних (I–III) слоев Кульбулака) \\ ИМКУ №36. Ташкент. 2009. – С. 29–34
7. Анарбаев А. А., Сайфуллаев Б. К., Сайдов М. М. Археологические исследования в Коканде и его окрестностях. Ташкент, 2014, с. 1–88
8. Анарбаев А. А., Сайфуллаев Б. К., Сайдов М. М. Археологические исследования в Коканде и его окрестностях. Ташкент, 2014. – С. 68–83
9. Анарбаев А. А., Сайфуллаев Б. К., Сайдов М. М. Археологические исследования в Коканде и его окрестностях. Ташкент, 2014. – С. 592 Анарбаев А. А., Сайфуллаев Б. К., Сайдов М. М